Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 172 (6776). 28 август, 1976 йил ⊙ ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ДАВРИДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ЮКСАК САВИЯДА БЎЛСИН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети қайд қиладики, Бўка район партия ташкилоти ва Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилоти пахта ҳосилини йиғиб териб олиш ва тайёрлаш ишларига ҳозирликни ўз вақтида, намунали бошлаб юбордилар. КПСС Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кубанлик галлакорларга йўллаган табрик хати ҳамда Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхоз, совхоз ва тайёрлов пунктларини 1976 йил ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарори асосида терим мавсуми даврида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни таъминлаш бўйича тадбирлари ишлаб чиқилди ва у амалга оширилмоқда.

Йиғим-терим техникаси, транспорт воситаларини тайёрлаш, йўл, кўприк, хирмон ва тош-торозларни ремонт қилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Механизатор кадрларни тайёрлаш ҳам тугалланмоқда. Оммани зардбор меҳнатга сафарбар этишда идеология ходимлари ҳам актив иштирок этмоқдалар. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш учун Бўка районида оператив штаб тузилган. Барча ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар 1976 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз ва ортиғи билан бажарилишига қаратилган.

Тошкент область партия комитети Бўка район партия ташкилоти ҳамда Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг ўнинчи беш йиллиги-нинг биринчи йили пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш даврида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни таъминлаш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади.

Район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига йиғим-терим мавсуми даврида қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада кучайтириш чораларини кўриш тавсия этилди.

Партия ташкилотларининг фаолияти пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши ва ортиғи билан бажарилишига, ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йили планларини амалга ошириш ишига кенг оммани сафарбар этишга қаратилмоғи лозим.

Бўка район партия ташкилоти ҳамда Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг 1976 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни таъминлаш юзасидан белгилаган тадбирларини район партия комитетлари бюро йиғилишларида, бошланғич партия ташкилотларида муҳокама этиш, ҳар бир меҳнат коллективининг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг юксак «оқ олтин» ҳосили учун умумхалқ курашида актив иштирок этишини таъминлашга қаратилган конкрет планлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия этилди.

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация ҳамда қишлоқ хўжалик бўлимларига 1976 йил терим кампанияси-ни идеология жиҳатидан таъминлаш бўйича область оператив штабини тузиш, район партия комитетларига ва бошланғич партия ташкилотларига белгиланган тадбирларни амалга оширишда мунтазам таъсирчан ва самарали ёрдам кўрсатиш, шунингдек ана шу тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш вазифаси топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, «Тошкент» телепрограммаси ва Тошкент области учун радио эшиттиришлар бош редакциясига партия комитетлари, колхоз, совхоз партия ташкилотларининг 1976 йил социалистик мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан фаолиятларини кенг ёритиб бориш вазифаси юклатилди.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан руҳланган Бўка районы меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг доимий ғамхўрлигига жавобан ва Кубань деҳқонларига йўллаган мактубидан илҳомланиб, ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олинган юксак социалистик мажбуриятларни тўла бажариш йўлида фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш етти ойлик плани муддатидан олдин ада этилди. Давлатга пилла сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилди. Бошоқли дон экинлари ҳосили топириш юзасидан белгиланган топшириқ 102 процент адо этилди. Давлатга мева, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

БЎКА РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК БИРИНЧИ ЙИЛИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ДАВРИДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Давлатга сўшт сотиш йиллик плани муддатидан олдин 103.3 процент адо этилди. Сут ва тухум сотиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Район меҳнаткашлари ғўза парваришини авж олдириш алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Фидокорона меҳнат туфайли район колхоз ва совхозларининг пахтакорлари яхши ҳосил етиштирдилар.

Район меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш, халқ хўжалиги планини муваффақиятли адо этиш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхоз, совхоз ва тайёрлов пунктларини 1976 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, ички имкониятларни тўла ҳисобга олган ҳолда ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йилида гектар бошига ўртача 32 центнердан ҳосил йиғиб олиш ва давлатга 70 минг тонна «оқ олтин» сотиш, ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан йиғиб олишга аҳд қилдилар. Пахта тайёрлаш плани 15—20 кун ичида тўла ада этилади.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг энг масъулиятли даври — пахта йиғим-терими бошланиши арафасида турибмиз. Йиғим-теримни қиска муддатларда ўтказиб, ҳосилни нобуд қилмай, сифатли йиғиб олиш асосий вазифадир. Район олдида турган юксак ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун партия ташкилоти пахта йиғим-терим кампанияси даврида меҳнаткашлар активлигини оширишга қаратилган қуйидаги тадбирларни белгилашни лозим деб ҳисоблайди:

(Давоми 2-бетда.

КУЗГИ ЭКИН МАЙДОНИ ҚАНЧА КЕНГ БЎЛСА, ҒАЛЛА ШУНЧА КЎП ОЛИНАДИ

ВОЛГОГРАД ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ВА ОЛИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ВОЛГОГРАД, 27 август. (ТАСС). Практика кузги экин майдонларини кенгайтирмай туриб, дон етиштиришни янада кўпайтириш мумкин эмаслигини кўрсатди. Бу йил эса бу нерса икки томонлама актуал: қулай об-ҳаво шароити, тўпроқда намнинг кўплиги кузги дон экинлари экиладиган майдонларни анча кенгайтириш учун яхши шароитларни яратиб бермоқда.

Волгоград область қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва олимлари бугун кузги экин майдонларини кенгайтириш, кузги экишни тез ва сифатли ўтказиш масалаларини муҳокама қилдилар. Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар кузги экин майдонларини кўпайтириш, кузги экин экиш агротехникасини такомиллаштириш — давлат аҳамиятига молик муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ана шу вазифани ҳал қилишга бугунги кунда алоҳида эътибор бермоқдалар. Область колхоз ва совхозлари қулай об-ҳаво шароитлари муносабати билан кузги экинлар экиладиган майдонларни анча кенгайтириш зарурлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатларини бажара бориб, бу йил 1 миллион 860 минг гектар майдонга ёки планда белгиланганига нисбатан 433 минг гектар кўп майдонга кузги экинлар экишга қарор қилдилар. Ана шундай катта майдонга областда биринчи марта кузги экинлар экилади.

Бундай қарор асосланган қарордир. Кузги экинлар кузги ва кўкламги намдан баҳорги экинларга нисбатан ҳамиша яхшироқ фойдаланади. Шу туфайли бундай экинлардан муттасил мўл ҳосил олинади. Сўнгги ўн йил мобайнида областда кузги экинлар ҳосили баҳорги экинлар ҳосилидан гектар бошига 7 центнер кўп бўлди. Бу соҳада айниқса шу йил диққатга сазовордир. Асосий озиқ-овқат экини бўлган областда кузги буғдойнинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 26 центнердан ҳосил олинмоқда. Бу эса баҳорги экинлар ҳосилидан қариб икки баравар кўпдир. Нехаевский, Еланский, Урюпинский, Новониколаевский ва бошқа районлардаги кўпгина хўжаликлар эса ҳар гектар ердан 50 центнердан кўпроқ кузги буғдой йиғиштириб олмоқдалар.

Кенгашда Михайловский районидаги «Рассвет» колхозининг ибратли тажрибаси таъкидлаб ўтилди. Бу ерда қариб икки минг гектар майдондаги кузги экинларнинг ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 60 центнерга етди. Коммунист И. Н. Киселев бошлиқ звено эсэ 160 гектардан кўпроқ майдоннинг ҳар гектаридан «Мироновский-Юбилейний» нав буғдойдан 76 центнердан хирмон кўтарди. Бундай ҳосил областда биринчи марта етиштирилди. Бу хўжалик кузги экинлар майдонини икки баравар кенгайтиришга қарор берганлиги бежиз эмас. Новоаннинский, Серафимович, Котельниково, Урюпинский, Михайловский районларида ва областнинг бошқа районларида кузги экинлар донли экинлар экиладиган майдонларнинг ярмидан кўпроғини эгаллайди. Заволжье хўжаликларида бундай экинлар майдони айниқса кўпайтирилади.

Ҳозирги вақтда дала конвейерини пухта-аниқ ташкил қилиш—асосий вазифадир. Ишнинг мураккаб жиҳати шундаки, тупроқни тайёрлаш ва кузги экинларни экиш ғалла кеч пишиб етилганлиги сабабли ҳосилни ўриб йиғиб олиш, ем-хашак тайёрлаш билан бир вақтга тўғри келди. Шу боисдан деҳқонлар кечиктириб бўлмайдиган дала ишларини комплекс олиб бориш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Чунончи, Новоаннинский районида бутун майдонларнинг 70 процента кузги экинлар уруғини экиш учун тайёрлаб қўйилди. Бу ерда комбайнлар кетидан похол йиғиштирилади, ер дискаланади. Сўнгра ерни шудгорлаш учун ихтисослаштирилган звеноларга далага чиқади. Райондаги илғор хўжаликлар кузги донли экинлар экиш учун ерни ҳозиргаёқ тайёрлаб қўйдилар. Ҳозир махсус комиссиялар далаларни қабул қилиб, энг яхши далаларга сифат белгиси бермоқдалар.

Шу кунларда областда СССР Давлат мукофотининг лауреати, техникадан юксак унумли фойдаланиш соҳасида бой тажриба орттирган В. Я. Стенковойнинг методи кенг ёйилмоқда. Кўпгина механизаторлар ундан намуна олиб рекорд иш унумига эришмоқдалар. Чунончи коммунист С. С. Владикин бошлиқ звено «К—700» маркали тўртта трактор билан бир сменада 240 гектар ерни ҳайдаб берди.

Ҳамма жойда уруғ ер яхши тайёрланган майдонларга экилмоқда. Экин майдонларининг унумдорлигини ошириш мақсадида ерга уруғлик билан бирга минерал ўғитлар ҳам солинмоқда.

Кенгашда хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлеш масалаларига ҳам катта эътибор берилди. Кузги экин майдонларига асосан районлаштирилган, энг серҳосил, биринчи классли уруғлар экилажаги таъкидлаб ўтилди. Донли экинларнинг «Мироновский-юбилейний», «Мироновский-808», «Краснодарский-39», жавдарнинг «Саратовский-4» навларига ва яхши баҳо олган янги «Тригикали» нави кўпроқ экилади. Колхоз ва совхозлар уруғнинг классилигини ошириш соҳасида иш олиб бормоқдалар. Дон областдаги кўпчилик хўжаликларда мавжуд бўлган механизациялаштирилган хирмонлар орқали ўтказилади. Уруғлик экиш чоғида «Тур» препарати билан дориланиб, биринчи классгача етказилади. Тажриба уруғни ана шундай тайёрлаш ҳосилдорликни гектар бошига тўрт центнергача ошириш имконини бераётганлигини кўрсатди.

1977 йил ҳосили учун кузги экин майдонларини анча кенгайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма хўжаликларда ишнинг аниқ графигини тузиш тавсия этилди. Кенгаш қатнашчилари илмий-ташкилий ва агротехника тадбирлари системаси асосида, механизаторларнинг юксак маҳорати ва техникадан моҳирлик билан фойдаланиш туфайли ўнинчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида кузги буғдой ва жавдар донини етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам негиз яратилади, деб ишонч билдирдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ Я. КАДАР БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 26 август куни Қримда КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дам олиш учун Совет Иттифоқига келган Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар билан учрашди.

КПСС билан ВСИП, Совет Иттифоқи билан халқ Венгрияси ўртасидаги муносабатларнинг асосий масалалари юзасидан фикрлашиб олинди. Шу билан бирга Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқлар ҳар иккала партия ва мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама характер касб этганлигини ҳамда КПСС XXV съезди ва ВСИП XI съезди қарорларининг муваффақиятли бажарилишига кўмаклашиб, ривожланаётганлиги ва кучайиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтдилар. Иқтисодий ҳамкорликнинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, ҳом ашёнинг бир қанча турларидан ва бошқа моддий ресурслардан ҳар икки томоннинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиш тўғрисида узоқ муддатли битимлар тузиш сингари прогрессив формаларига ўтиш ҳар икки мамлакат халқ хўжаликлари учун ижобий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

КПСС билан ВСИП раҳбарлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг жипслигини ошириш ва улар сиёсатининг халқлар тинчлиги, озодлик ҳаракати ва тараққиёти манфаати йўлидаги ишларнинг умумий боришига тобора кўпроқ таъсир ўтказиши ҳозирги халқаро тараққиётнинг энг муҳим хусусиятидир деган ишончни изҳор этдилар. Улар кризисли вазиятлар мавжуд бўлган ва Ливандаги сингари қон тўкишлар давом этаётган географик районлардаги аҳволга жиддий эътибор бердилар. Уруш можаролари ўчоқларини тугатиш, кескинликнинг юмшатишини мустаҳкамлаш ва «совуқ уруш» қолдиқларини батамом тугатиш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашни бундан бўён ҳам авж олдиришнинг муҳимлигини ҳаёт яна зўр куч билан тасдиқлайди.

Л. И. Брежнев билан Я. Кадар ўртоқларнинг учрашуви самимият ва дўстлик, яқдиллик ва муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ЯНГИ ТЕПЛИЦА

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозида уч гектарлик теплица комплексини барпо этиш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини «Узсельспецстрой» трести муддатидан тўрт ой илгари тамомлади. Бу ерда ойна остида йил бўйи сабзавот етиштирилади. Лойиҳачилар кўпгина янгиликларни, иситиш терморегуляторларини, автомат ёмғирлатиш установкаларни кўзда тутишган. Булар теплицаларда микроиқлим талабга яраша бўлишини таъминлайди. Бу хўжаликда ноябрь ойида эса тағин битта уч гектарлик теплица блоки ишга туширилади.

(ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИНИ ДОНГА ЎРИШ ВА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ТАЙЁРЛАШ ТОПШИРИҒИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА 27 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — бир кун да тайёрланган дон, иккинчи стун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида), учинчи стун — бир кунда донга ўрилган маккажўхори, тўр тинчи стун — мавсум бошидан буён (ўрим майдонига нисбатан процент ҳисобида)

Бекобод	1,7	111,3	6,7	93,6
Оққўрғон	0,7	108,0	2,7	68,4
Калинин	—	105,4	6,5	83,9
Бўка	6,2	103,9	3,1	62,2
Чиноз	2,7	103,0	4,8	60,6
Тошкент	21,5	101,2	3,5	50,7
Оҳангарон	16,3	100,7	6,0	54,6
Ўрта Чирчиқ	17,5	100,4	5,1	72,5
Янгийўл	10,8	100,1	1,5	41,1
Пискент	20,6	100,0	8,4	85,4
Қуйи Чирчиқ	8,8	96,0	7,2	75,3
Юқори Чирчиқ	9,2	70,6	1,6	27,7
Оржоникидзе	28,5	67,4	3,6	28,6
Бўстонлиқ	8,4	60,5	4,2	25,6
Область бўйича:	10,1	96,7	4,7	60,8

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ БОШҚАРМАСИ, ҚЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ ДОНЕЦК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, «МОСЭНЕРГО» РАЙОН ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларнинг ажойиб коллективларингиз ўнинчи беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини бажара бориб, ишда юксак натижаларга эришганликлари, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, янги оширилган мажбуриятлар қабул қилганликлари тўғрисида хабар қилинган меҳнат рапортлари КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Ғарбий Сибирь нефтчилари илгари қабул этилган мажбуриятларига қўшимча равишда 800 минг тонна нефть қазиб чиқариш ва шу беш йиллиқда пландан ташқари қазиб олинадиган нефтни 2,8 миллион тоннага етказиш режаларини белгиладилар. «Донецкуголь» бирлашмасининг шахтерлари халқ хўжалигига пландан ташқари 1 миллион 100 минг тонна ёки йил бошида белгиланганидан 100 минг тонна кўп кўмир беришга қарор қилдилар. Москва энергетиклари 1976 йил учун қабул этилган мажбуриятдан ташқари 35 минг тонна шартли ёқилғи, 45 миллион киловатт-соат электр энергия ва 40 минг гигакаллория иссиқлиқни тежаб қолиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва аҳолини энергия билан узлуксиз таъминлаш вазифасини ўз елдиларига қўйдилар.

Сизларнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларингиз, янги қабул қилган социалистик мажбуриятларингиз ишчилар, инженерлар ва техниклларнинг юксак ижодий активлигидан, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг коллективларни мамлакат ёқилғи — энергетика ресурсларини янада кўпайтиришга сафарбар этиш соҳасидаги ҳар тарафлама ташкилотчилик ва сиёсий ишидан даполат беради.

Коллективларингизнинг ёқилғи қазиб олиш, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва уни тежашни кўпайтириш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббуси халқ хўжалигини кузги-қишки шароитларда ишлашга тайёрлаш даврида айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ташаббусни ёқилғи-энергетика ва бошқа тармоқларнинг корхоналари меҳнаткашлари кенг равишда қўллаб-қувватлашларига шак-шубҳа йўқ.

Комил ишонч билан айтаманки, ғарбий Сибирь нефтчилари, Донецк шахтерлари, Москва энергетиклари янги оширилган мажбуриятларни шараф билан уддалайдилар, нефть, қўмир қазиб чиқариш ва электр энергияси ҳосил қилиш сўръатларини янада кучайтирадилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадилар, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун сабот билан кураша берадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Қўмир қазиб чиқарувчи Ленин орденли Донецк ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш устида баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Партия ва ҳукуматнинг Донбассни янада ривожлантириш ва кончиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари шахтёрларнинг жиддий куч-ғайратларини янада юксалтириб юборди.

Бирлашма меҳнаткашлари мана шу оталарча ғамхўрликка жавобан шахтерлар куни шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини барвақт бажардилар. Пландан ташқари 800 минг тоннадан зиёд юқори сифатли қўмир қазиб чиқарилди, асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан берилган топшириқ ошириб бажарилди.

Давлатга ғалла сотиш юзасидан зиммаларига олинган мажбуриятлар олган кубанлик деҳқонларнинг олийжаноб намунаси ҳамда Леонид Ильич, Сизнинг шу ташаббусга юксак баҳо берганлигингиз барча совет кишилари каби шахтёрларни ҳам руҳлантирди.

Ҳозир мамлакат далаларида ғалла учун қаттиқ кураш кетяпти. Ленининг қўмир-саноатнинг нонидир деган сўзларини ёдида тутувчи бирлашма шахтёрлари иш самарадорлиги ва сифати янада юксалтирилишига эришишга, жонажон Ватанга кўпроқ қўмир беришга маҳкам бел боғлаганлар. Бирлашма корхоналари меҳнаткашларининг йиғилишларида илгари зиммага олинган мажбуриятлар қайтадан кўриб чиқилиб, янги мажбуриятлар қабул қилинди:

— ишлаб чиқаришни интенсивлашни ўстириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва кончилик техникасидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига қўмир қазиб чиқариш йиллик плани 15 декабргача ада этилади, пландан ташқари 1 миллион 100 минг тонна, илгари қабул қилинган мажбуриятдан 100 минг тонна кўп қўмир қазиб чиқарилади; дастлабки мажбуриятларда 10 миллион сўмлик бўлгани ҳолда камида 13 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот реализация қилинади;

— ишлаб чиқаришнинг концентрацияланиш даражасини ошириш, технологияни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибаларини кенг жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган план 101 процент қилиб бажарилади;

— материал ва меҳнат ресурсларини тежаб-тергаш режимини кучайтириш, электр энергия сарфини 3,2 процент ва ёқилғи сарфини 2,5 процент қисқартириш ҳисобига 40 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 4100 тонна ёқилғи тежалади, қўшимча 180 минг сўм ёки илгари белгиланганидан 80 минг сўм кўп фойда олинади;

— колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини янада кучайтириш ишлари олиб борилади.

Бирлашма шахтёрлари зиммаларига ошириган мажбуриятлар қабул қилар эканлар, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган жуда катта ишларингиз учун, совет кишилари тўғрисида диққат-эътибор билан ғамхўрлик қилаётганлигингиз учун Сизга, азиз Леонид Ильич, самимий миннатдорчиликларини топширишимизни сўрадилар ва жонажон Коммунистик партиямизнинг улуғвор режаларини амалга ошириш йўлида бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, деб қатъий сўз бердилар.

Бирлашма корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг топшириғига биноан:

Қўмир қазиб чиқарувчи Донецк ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. ВОРОНИН.
Украина Компартияси Донецк шаҳар комитетининг секретари В. МИРОНОВ.
Қўмир саноати ишчилари касаба союзи Донецк территориал комитетининг раиси В. КОМПАНЕЦ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ

Ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

«Мосэнерго» район энергетика бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари жонажон Коммунистик партиянинг ўнинчи беш йиллиқни самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантириш тўғрисидаги даъватига зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқдалар.

Сизга хурсандчилик билан шуни маълум қиламизки, беш йиллиқнинг биринчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларимизни муваффақиятли бажардик. Ижодий мусобақа ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун кенг миқёсда бошланган ҳаракат, ёқилғи-энергетика ресурсларидан жуда тўлатўкис ва самарали фойдаланиш туфайли биз 1976 йилнинг етти ойи ичида 60 минг тоннадан кўпроқ ёқилғини тежаб қолишга, шунинг ҳисобига электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш топшириғини ошириб бажаришга ҳамда пландан ташқари 12 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга, электр тармоғидаги нобудгарчиликни 49 миллион киловатт-соат миқдорида камайтиришга муваффақ бўлинди. Электростанцияларнинг қувватини ошириш ҳамда энергетика системасининг электр ва иссиқлик шоҳобчасини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Сизнинг Кубань ва Днепропетровск комбайн заводи меҳнатчиларига йўллаган қутловларингиз, сидқидилдан айтган самимий сўзларингиз, уларнинг ватанпарварлик ташаббусларига юксак баҳо берганлигингиз бизнинг куч ва ғайратимизни янада жўш урдириб юборди, янада яхшироқ ва унумлироқ ишлаш истагини кучайтирди. Биз Москва энергетика системасини намунали системага айлантириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини бутун чоралар билан таъминлаш юзасидан олган ўз мажбуриятларимизга масъулият билан қараймиз. Мавжуд имкониятлар ва резервларни ҳар тарафлама чамалаб кўриб, 1976 йил учун қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилдик.

Энергетика корхоналарини қиш шароитида ишлашга ўз вақтида тайёрлаймиз, ёқилғининг зарур запасларини тайёрлаб оламиз. Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳри, Москва ва Рязань областлари саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти, қурилишини ва аҳолисини энергия билан узлуксиз таъминлаб турамиз.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари билан биргаликда белгиланган пландан ташқари 23-ТЭЦда 250 минг киловатт қувватли қолт тежамли иссиқлик ҳосил қилувчи энергетика блокини ўрнатиш ишларини 1976 йил декабрида тугаллаймиз. 9-ТЭЦда 110 минг киловатт қувватли турбогенераторни белгиланган муддатидан уч ой илгари ишга тушурамиз. Қишлоқ хўжалиги учун 2470 километр узунликдаги электр линиясини муддатидан аввал, Энергетиклар кунигача ишга тушурамиз.

Иқтисодий тежашни кучайтириш, асбоб-ускуналарнинг техникавий савиясини ва ишлатиш маданиятини ошириш ҳисобига илгари қабул қилинган мажбуриятларга қўшимча равишда 35 минг тонна шартли ёқилғини, 45 миллион киловатт-соат электр энергия ва 40 минг гигакалория иссиқлик энергиясини тежаб қоламиз.

Азиз Леонид Ильич!

Сизни ишонтириб айтамизки, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча москвалик энергетиклар социалистик мусобақанинг илғор формаларидан фойдаланиб, олинган қўшимча мажбуриятларни шараф билан бажарадилар ва КПСС XXV съезди ишлаб чиққан улуғвор программани амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Улуғ Ленининг мамлакатнинг электрлаштириш тўғрисидаги васиятини амалга оширишда қатнашаётган ҳамма ходимларнинг энергетика ишлаб чиқариши самарадорлиги ва сифатини янада ошириш учун қўшимча резервлар ва имкониятларни қидириб топишга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар «Мосэнерго» қурилиш ва монтаж ташкилотлари ходимларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Коллективларнинг топшириғига биноан:
«Мосэнерго» бошқарувчиси И. ЕРШОВ.
Партбюро секретари А. СМИРНОВ.
Касаба союз комитетининг раиси З. ХУСНУТДИНОВ.
ВЛКСМ комитетининг секретари С. ДАҒАЕВ.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ДАВРИДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ЮКСАК САВИЯДА БЎЛСИН

БУКА РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК БИРИНЧИ ЙИЛИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ДАВРИДА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

(Бошн 1-бетда).

Йиғим-терим кампанияси даврида коммунистларнинг авангардлик роли таъминлансин. Бу мақсадда колхоз ва совхозларда очиқ партия йиғилишлари ўтказиб «Ҳосил йиғим-терими даврида коммунист ва комсомолларнинг авангардлик роли тўғрисидаги масала муҳокама қилинсин.

Райондаги барча коммунист ва комсомоллар пахта теримига сафарбар этилсин. Далачилик ишлари билан банд бўлган барча колхозчилар, шунингдек район территориясида истиқомат қилаётган аҳоли, пенсионерлар, уй бекалари ҳам пахта теримига жалб этилсин.

Умумий партия йиғилишларида, партия комитетлари ва бюро мажлисларида зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилиб борилсин, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги, оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлардаги иштироки юзасидан ҳисоботлари тингласин.

Оталиқ қилувчи корхона ва ташкилотларнинг ёрдамларидан кенг фойдаланилсин. Район партия комитети бюроси мажлисларида колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдами кўрсатиш масалалари мунтазам муҳокама қилиб борилсин.

Асосий эътибор пахта теримида ишчи ва техника ресурсларидан иложи борича унумли фойдаланишга қаратилсин. Бунинг учун терим машиналари, транспорт тракторлари механик-ҳайдовчилари, устахона ходимларининг район слёти ўтказилиб, унда пахта ҳосилини механизация воситаси билан йиғиб олиш юзасидан зиммага олинган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда район механизаторлари олдида турган вазифалар муҳокама қилинсин. Ҳар бир пахта териш, қўрак териш комбайнлари, механик-подборщиклар механик-ҳайдовчиларига йиғим-терим давридаги социалистик мусобақа ва механизаторлар меҳнатига иш ҳақи тўлаш шартлари тушинтириб берилсин.

Ҳар бир пахта териш машинасидан юксак самара билан фойдаланилсин. Уларнинг ҳар бири билан ўртача 130-150 тоннадан ҳосил йиғиб олинсин.

Асосий эътибор барча колхоз ва совхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилсин. Терим техникаси ва ишчи кучларидан тўғри фойдаланиш, териб олинган пахта ҳосилини ўз вақтида жўнатиш юзасидан назорат қилувчи оператив штаблар тузилсин.

Хўжаликларда ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай териб олиш юзасидан теримчилар, механизаторлар, бригадалар, бўлимлараро социалистик мусобақа кенг кулоч ёйдирилсин. Ҳар беш кунда социалистик мусобақага якун ясаб борилсин. Мусобақа ғолибларини моддий ва маънавий мукофотлаш дала шийпонларида бутун коллектив иштирокида тантанали суратда ўтказилсин.

Район социалистик мусобақасида моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли формаларидан кенг фойдаланилсин. Ҳар беш кунлик иш якуни бўйича ғолиб чиққан хўжаликларга кўчма Қизил байроқ ва битта енгил автомашина, бўлимларга Қизил байроқ ва енгил автомашина, тайёрлов пунктларига Қизил байроқ ва кажавали мотоцикл тақдим этилсин. Мусобақанинг бу категориялари ғолиблари йил якунларига биноан район партия комитети ва район ижроия комитетининг Қизил байроғини доимий сақлаш учун қўлга киритадилар ва енгил автомашина билан тақдирланадилар. Хўжаликларда 1—10 ўринларни олган механик-ҳайдовчилар кўчма вимпелларга қўшиб 50 сўмдан 100 сўмгача пул ва қиммат баҳо совғалар билан мукофотланадилар. Ҳар бир бригаданинг энг илғор теримчиси дала шийпонида тантанали равишда пул мукофоти ёки қиммат баҳо совға билан тақдирланади. Мавсум якунларига биноан илғор механизаторларга оптита енгил автомашина, оптита мотоцикл ва бепул туристик йўлланмалар ажратилади.

Дала меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар активлаштирилсин. Агитация кадрларининг семинар-кенгаши ўтказилсин. Ҳар бир дала шийпонининг оммавий-сиёсий, маданий-тарбиявий ишлар ва дам олиш жойига айланишига эришилсин.

Ҳар бир докладчи, сиёсий ахборотчи, агитатор, сиёсий ташкилотчи қишлоқ меҳнаткашларини 1976 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла ва ортиғи билан адо этилишини таъминлашга жалб этиш юзасидан ўз шахсий иштироки бўйича конкрет планига эга бўлсин.

Ҳар бир колхозчи, механизаторнинг сифатли ва самарали фаолият кўрсатишига агитация ходимларининг кучғайрати сафарбар этилсин. Барча дала шийпонлари намунали ҳолга келтирилсин, республика, область, район, колхоз, бригада социалистик мажбуриятларини ифода этувчи стендлар янгилансин. Социалистик мусобақанинг бориши кенг ёритилсин, кўрсаткич тахталари ҳар куни тўлдириб борилсин, жанговар варақалар, «Молния»лар чиқарилсин.

Вақтли матбуот (газеталар, журналлар) ўз вақтида етказиб берилсин, дала шийпонлари радиолаштирилсин.

Хўжаликларнинг дала шийпонларида сотувчисиз ишлайдиган 60 та дўкон ташкил қилинсин. Тўртта кўчма автолавка жиҳозлансин. Мавжуд магазинларнинг ҳаммаси кундалик зарур товарлар билан тўла таъминлансин.

Бадиий ҳаваскорлар кучи билан дала шийпонлари ва клубларда мунтазам концертлар қўйиб борилсин. Дала меҳнаткашлари ўртасида лекция ва концертлар ўтказувчи кўчма бригадалар тузилсин. Пахта йиғим-терининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, тушки дам олиш соатларида қизиқарли маданий-оммавий ишлар ўтказилсин.

Маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва шохобчалар иши яхшилансин. тикувчилик, пойафзал устахоналари, химчистка, кир ювиш комбинатлари, қабул пунктларининг бетўхтов ишлашлари таъминлансин. Комплекс маиший хизмат кўрсатувчи бригаларнинг дала шийпонларига мунтазам чиқиб туришлари ташкил этилсин.

Медицина муассасаларининг ишини намунали ҳолга келтирилсин, дала шийпонларида аптечкалар ташкил қилинсин. Дала шийпонлари ва мактабгача болалар муассасаларида медицина хизмати кўрсатиш графиги тузиб чиқилсин.

Болали оналар учун нормал иш шароити яратиб бериш мақсадида дала шийпонларида мавсумий болалар боғчалари ва яслилари очилсин, зарур инвентар ва жиҳозлар билан таъминлансин, бепул овқатланиш йўлга қўйилсин. Барча шийпонларда дала меҳнаткашлари учун икки марта иссик овқат ташкил этилсин.

Ўтказиладиган ташкилий-сиёсий ишларнинг ҳаммаси зиммадаги юксак социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга хизмат қилиши керак. Район меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиб, 5 миллион 300 минг тонналик юксак республика «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшадилар.

КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан руҳланган Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг кубанлик ғаллакорларга йўллаган табригидан илҳомланиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш устида фидокорона курашмоқдалар. Пахтакорлар бутун куч ва билимлари, тажриба ва маҳоратларини беш йилликнинг биринчи йилида кам ҳаражат билан аъло сифатли маҳсулот етиштиришга ва беш йилликни муддатидан илгари тугатишга қаратилган чора-тадбирлар билан бошлашга сафарбар этмоқдалар.

Колхоз коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш, ҳалқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш юзасидан бошланган Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларини 1976 йил пахта ҳосилини йиғиб олиш ва тайёрлашга ҳозирлаш юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошира бориб, ўз зиммасига бу йил юксак мажбуриятлар қабул қилди. Ҳар гектардан ўртача 43 центнердан ҳосил йиғиб олиб давлатга 2760 тонна, планга нисбатан 730 тонна кўп «оқ олтин» сотишга қарор қилинди. Бутун ҳосилнинг 95 процентини пахта териш техникаси билан йиғиб олиш мўлжалланмоқда. Хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини 10—15 иш кунида, социалистик мажбуриятни эса 20 кунда бажаришга аҳд қилдилар.

Бу йил тирик вазнда 80 тонна гўшт, 780 тонна сут, 9120 тонна каноп, 990 тонна шоли, 675 тонна маккажўхори дони ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда. Хўжаликда давлатга пилла ва тухум сотиш йиллик планлари муддатидан олдин адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳар бош соғин сигирдан 57 килограмм кўп сут соғиб олинди. Гўшт, полиз ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам тез суръатлар билан адо этилмоқда.

Коллектив олдида турган улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, колхозчиларнинг пахта йиғим-терими кампанияси даврида активлигини янада ошириш юзасидан колхоз партия ташкилоти қуйидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишни лозим деб ҳисоблайди:

Пахта йиғим-терими даврида коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик роли таъминлансин. Шу мақсадда очиқ партия йиғилиши ўтказилиб, унда «Ҳосил йиғими даврида коммунистлар ва комсомоллар ролини ошириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинсин. Барча коммунистлар ва комсомоллар пахта теримига сафарбар этилсин. Партком мажлислари ва цех партия ташкилотлари йиғилишларида шахсий социалистик мажбуриятлар бажарилишининг бориши ва колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлардаги иштироки юзасидан коммунистларнинг ҳисоботлари мунтазам тингланиб борилсин.

Ишчи ва техника ресурсларидан иложи борича унумли фойдаланилсин. Бунинг учун ҳар бир механизатор, колхозчига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг кубанлик ғаллакорларга мактуби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йил пахта ҳосилини йиғиб олиш ва тайёрлашга ҳозирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам тез суръатлар билан адо этилмоқда.

Коллектив олдида турган улкан вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, колхозчиларнинг пахта йиғим-терими кампанияси даврида активлигини янада ошириш юзасидан колхоз партия ташкилоти қуйидаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишни лозим деб ҳисоблайди:

Пахта йиғим-терими даврида коммунист

ЭЛЛИК ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

ОЧЕРК

ДИЛЛАРГА ғулув солиб, сулув тонг отмоқда. Яшил дениэни эслатувчи бағри кенг пахтазорда элас-элас эсаётган насими ўз назмида куй чалмоқда. Эгатлараро чулдираб оқаётган оби-ҳаётнинг қўшиғи нақадар жозибали. Ер ҳовири, ниҳоллар элкини, кўкиштоб уфқ, оғушида оқ, гулдор кўйлак кийган, ўрта бўй, хипчагина бир жувон турибди. Унинг катта-катта тим қора кўзлари бепоён далага суқланиб боқади.

О, кўзлар, кўзлар!.. Инсон юрагининг таржимони, бир жуфт шаҳло кўзлар! Сизларда пахтазор сеҳрининг меҳрини, «оқ олтин»га бўлган муқаддас иҳлосни, она-заминга айтилган роз-оқибатни, уйилажак тоғ-тоғ пахта хирмонларининг нашъу-намосини, дурушнослик касби туфайли эришилган фахр ва ғурурни яқкол равшан кўрса бўлади! Бу меҳрнинг, бу ихлоснинг, бу роз-оқибатнинг, бу ғурурнинг тиниқ қалб чашмалари бетига қалқиб чиққанига кўп бўлгани йўқ. Ҳамма иш биринчи дадил қадамдан, устозларнинг астойдил далдасидан, тотли орзу-умидлар залваридан, ғайрат-шижоат тўлқинларининг мавжидан бошланганди. Ушанда муборак анжуман арафаси — жонажон Коммунистик партиямизнинг бўлажак XXV съездига армуғонлар тайёрлаш тадориги кўрилаётган пайтлар эди.

КАРОМАТ ўша кунни, бошига бахт қуши қўндирган яннарнинг ўша юмшоқ оқшомини ҳеч қачон унутмайди, унутолмайди.

...Колхоз правлениесининг мажлиси ўрталаб қолган эди. Масала иккинчи бригадага бошлиқ тайинлашга келиб тақалганди. Раис Исмоил ака Шубладзе ўрнидан турди. У ўтирганларга бир кур разм солиб чиқди-да, кейин оҳиста гап бошлади.

— Ўртоқлар, ўзларингизга маълумки, иккинчи бригаданинг собиқ бригадири Жиянше Шоҳмардонов ажойиб ташаббус кўрсатди. Қолоқ олтинчи бригадага ўтиб ишлаш истагини билдирди. Бу билан у ўзининг ҳақиқий коммунист, чинакам меҳнаткаш инсон эканлигини кўрсатди. Хўш, иккинчи бригадани нима қиламиз? Биз партия ташкилоти, правление аъзолари билан кенгашиб, маслаҳатлашиб кўрдик. Охири бригадага раҳбар қилиб илғор колхозчи, комсомол қизимиз Каромат Хожиевани тайинлашни лозим топдик... Каромат розилик билдирди...

Хонада ғалағовур бошланди. «Тўғри!», «Яхши бўлади!», «Эплайди, бало қиз!» деган сўзлар эшитилди. Раис қўл кўтарди.

— Қани, қизим, ўзинг нима дейсан?

Чуваккина қиз ийманиб ўрнидан турди. Унинг қорамтир, озғин юзлари бироз оқарган, шўх кўзлари ҳаяжондан пирпирарди. Ҳамманинг нигоҳи унга қадалди.

—Ишончларингиз учун раҳмат! Мен уста миришкорлар—мураббийларимнинг ўгитларига амал қилиб ишлайман. Жиянше акамлар менга пахта етиштиришнинг сирларини ончамунча ўргатган. Устозимнинг бетини ерга қаратмайман, деб ўйлайман. Мен комсомол-ёшлар бригадаси тузиш ниятидаман. Анча-мунча дугоналарим, ёш йигитлар билан таҳминан келишиб қўйдик. Унинчи беш йилликнинг биринчи йилида олтмиш беш гектар майдоннинг ҳар гектаридан эллик беш центнердан пахта ҳосили етиштириб бериш мажбуриятини оламиз. Эллик центнерчи Худойберган ака Холдорбеков бригадасини социалистик мусобақага чақираман.

Яна хонада жонланиш авжига чиқди. «Балли, қизим, ҳиматингга балли!» деб юборди олдинги қаторда ўтирган отахонлардан бири... Мажлис давом этди.

ҲАДЕМАЙ кунлар илий бошлади. Саҳий қуёш заррин нурларини аямай эндигина юз очган қоратир далалар бетини қиздиради. Шудгоррордан бир текис оқ-кўкиш буғ кўтарилади. Мовий само гоҳ мусаффо, гоҳ булутли. Тунда совуқ, кундузи иссиқ. Пўртана сувлар асовлик қила бошлади.

Илк баҳор кезлари ана шундай тусланувчан, оромсиз, серташвиш эди. Каромат ҳам баҳор дақиқалари сингари тиним билмасди. Гоҳ далага, гоҳ колхоз устахонасига йўл олар, гоҳ бригада аъзолари билан баҳслашар, гоҳ бир зумгина идорада пайдо бўлиб қоларди.

Ерни чигит экишга тайёрлаш керак эди. 12 қиз ва 10 йигит дала бошига келди. Бари комсомол-ёшлар. Каромат Хожиева бригадаси жам-ўлжам эди. Енг шимариб ишга киришилди. Бир неча кундан сўнг чигит экиш агрегатлари марза бошига келтирилди. Механизаторлар чигит экишга киришдилар.

Барака уруғи униб чиққанда йигит-қизларнинг севинчи бир олам бўлди. «Чигитнинг униши яхши, —дейишарди улар бир-бирига гап бермай, — эндиги вазифа ниҳолларни авайлаб парвариш қилишда. Озиқлантириш, культивацияга, сув суғоришни маромида олиб борсак, марра бизники бўлади. Эллик беш центнер чўт эмас!..»

Бригадеда ишларнинг юришиб кетганини эшитиб қолган Нишонбой ота бир куни келини Кароматни ёнига ўтқазиб шундай деди:

— Саксон ёшдан ошганимда бунчалик хурсанд бўлармаи деб ўйламагандим, болам. Баракалла сенга. Эллик йил бурун бир номим чиққан эди... Уттиз учинчи йили Наманган вилоятининг Тўрақўрғон районидан янги ер ўзлаштиргани мана шу жойларга — сен пахта экаётган жойларга келган эдик. Қамишзор, қиёқзор, захкаш тўқайзорлар эди бу ерлар бизлар келганда. Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас экан. Совет кишиларининг иродаси билан тўқайзор эндиликда гулшанга айланди. Чивинлар, қурбақалар ошиёни бўлган жойларда чиройли қишлоқлар, боғ-роғлар, серҳосил пахтазорлар бунёд этилади, деб кимнинг хаёлига келибди дейсан. Мен кетмончи эдим. Қайнонанг — Холинисо қўлда пахта терарди. Эндиги фарқни қара. Кетмону—трактор! Қўлда пахта теришу — «зангори кема!» Бир ўтишда ярим пайкални хўплаб кетади... Энди, болам, кўпчиликнинг оғзига тушдинг, Ғуломжонингни ёнингга олиб, ҳаракат қилавер... Ҳар сафар тенгдошларимдан, Нишонбой, келининг ўзинигга ўхшабди, деган гапни эшитганимда теримга сиғмай кетаман, болам. Асл одамларнинг фарзанди экансан!.. Раҳмат сенга!..

«Асл одамларнинг фарзанди... Раҳмат сенга!..» Пайкал бошига етиб боргунча Кароматнинг қулоқларидан бу сўзлар аримади. Асл одамлар... Кимлар улар? Албатта, энг аввало отаси билан онаси. Урол ака билан Раҳима опа... Каромат янги қурилган дала шийпонининг айвонига ўтди. Ҳаёл суриб ўтираркан ёшлик йиллари, туғилиб ўсган жойлари эсга тушиб кетди.

КАРОМАТНИ том маънода пахтазор қизи, пахтакор фарзанди деса бўлади. У Сирдарё областининг Оқ олтин номли совхозда туғилиб ўсди. Ўша ерда ўрта мактабни тугиз... Рўпарада Туйме Камбарова, Замира Акипова, София Абдуллаева, Фотима Байрамовалар кўринди.

— Каромат опа, сизни сувчилар чақиришаяпти, сифатини текшириб берармишсиз...

— Ким, қайси сувчи, — деди қизларнинг гаплари чинми, ё ҳазилми эканлигига тушунмай турган бригадир.

— Ким бўларди, Ғуломжон акамларда!..

Яна кулги кўтарилди. Каромат ҳам қизларга қўшилди. Бироз чақчақлашиб олгач Каромат картанинг у бошига қадан «Москва»га келин тушди, ёр-ёр!» деб қўшиқлар айтилди. Чўлда «оқ олтин» ундирган қиз ғоятда бахтиёр эди. Энди Ғуломжон ўзининг «пўлат ота» билан ер ҳайдарди, чигит қадарди, Каромат эса пахта терарди. Бир ярим йил ичидаёқ гулистонлик келин номи донг таратди. Унинг исмини одамлар ҳурмат билан тилга оладиган бўлиб қолдилар. Яхшиликнинг охири ҳам яхши бўлади, деганларидек, бориб-бориб бригада бошлиғи этиб сайланди...

— Опа, — Кароматнинг ёнигинасида кимдир бош кўтарди, — опа, бу ёққа қаранг!

— Ҳорманг, Зоҳиджон, нима қилаяпсиз ёнбошлаб олиб.

— Кўсак санаяпман, кўсак, ўрта ҳисобда ўн уч-ўн тўрттадан, қойил...

— Ҳали ҳовлиқишга кун эрта, ука, эсингиздами донолар жўжани кузда санайди, деганлар. Ундан кўра сувингиздан бохабар бўлиб туринг.

Сувчи Зоҳиджон «тўғри» деди-ю, дўстлари Мовлуд Акипов, Одил Алимовлар турган томонга йўл олди. Каромат эса нарирокда Ғуломжонга нимандир имо қилдида, чеканкани охирига етказаётган механизатор Зоиржон Раҳимов томонга югуриб кетди...

ЯҚИНДА йўлимиз яна «Москва» колхозига тушиб қолди. Партия ташкилотининг секретари Владимир Ильич Наумченко ва бош агроном Шомил Киборовлардан Каромат Хожиеванинг ишлари тўғрисида суриштирдик.

—Кизимизнинг ишлари яхши!—дейишди улар бир оғиздан, — у сўзининг устидан чиқадиганга ўхшаб турибди. Ҳозир дефолиацияга ҳозирлик кўрмоқда...

Бригаданинг йўл бўйидаги чиройли қилиб безатилган дала шийпонига яқинлашар эканмиз пахтазор ўртасида рўмолча силкитаётган Кароматга кўзимиз тушди. Пайкал оралаб у томон оҳиста борар эканмиз, дуркун ғўзаларни, шғил-шғил бўлиқ кўсакларни кўриб ҳаёлимиздан бир фикр ўтди. «Ҳеч нарса вақт ўтмай Каромат Хожиевани, унинг меҳнаткаш дугоналари ва дўстларини эллик беш центнерлик ҳосил билан табрикласа бўлади!»

Мана кўрасиз, шундай кун келади. У узоқ эмас!

Раҳим УМАРИЙ.

МАККАЖЎХОРИ КАРВОНЛАРИ НЕГА ҚАЙТДИ?

СОВХОЗ директори Қодир Дўстжонов одати бўйича кечаги қилинган ишлар ҳақидаги маълумотларни кўздан кечириб ўтирарди. Шу пайт хонага агроном кириб келди.

— Маккажўхори дон ўрими жуда сустку? — деди директор агроном билан кўришар экан. — бу аҳволда топшириқни қачон бажарамиз?

— Ҳаракат қиляпмиз, ҳамма имкониятни ишга соляпмиз, —деди агроном. Мана ҳозиргина маккажўхори сўталари ортилган иккита машинани қабул пунктига жўнатдик.

— Яхшилаб қуритдингларми? — сўради директор, —тағин кечагига ўхшаб қайтариб юборишмасин. Жуда уятга қоляпмиз-ку.

— Қуритдик, қуритдик, —деди агроном, — экспедитор Алсанбоевга бўшанглик қилма ука, бир амаллаб ўтказиб кел, деб тайинладим.

— Қани кўрамиз, — деди директор, — ишқилиб юзимиз шувут бўлмасинда...

Мана, Тошкент районидаги «Ленинград» совхозининг маккажўхори дони ортилган машина карвони. У Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонасига етиб келди. Шоферлар Омон Ўнғарбоев, Миробид Йўлдошевлар машинани бир чеккага чиқариб навбатга қўйдилар.

— Қани Шукурбой, — дейишди шоферлар экспедиторга, — энди буёғи сизга ҳавола Лобарантни тезроқ қидириб топинг. Анов кундаги сингари кун бўйи маҳтал бўлиб ўтирмайлик.

— Хотиржам бўлинглар биродарлар, — деди Шукурбой — бу гал бўш келмаймиз.

Сўнг у чаққонлик билан машина устига чиқди. Қуриган сўталарни юзага чиқариб қўйди. Кўп ўтмай лаборантни бошлаб келди.

— Мана, акажон, — деди у, — роса яхшилаб қуритдик. Битта-битта текшириб олсангиз ҳам майли.

Лекин лаборант Баҳодир Мамедов ҳам анойилардан эмас эди. У уюмнинг тағ томонига қўл юбориб, 3—4 та сўтани олди. Қай кўз билан кўрсинки, уларнинг бири ёнққа ҳўл, иккинчиси буришиб-қуришиб қолган.

—Уялмайсизми ука,— деди Баҳодирнинг жаҳли чиқиб, — бу маккажўхорилар рингизнинг намлик даражаси 40 процентдан кам эмас-ку!

Факт ўжар нарса. Ундан қочиб қутулиб бўлармиди. Экспедитор нима дейишини билолмай уялганидан ер чизиб қолди.

Гапга сифат инспектори аралашди.

— Бу ерга келтириладиган маккажўхори донининг намлиги қанча бўлиши керак?

— Кўпи билан 22 процент. Аслида эса 18—19 процентдан ошмаслиги лозим, — деди экспедитор ердан бошини кўтармай.

— Ундай бўлса нега сифатсиз маҳсулотни келтирдинглар?

Экспедиторнинг жонига шоферлар оро киришди.

— Акажонлар, — дейишди улар. — Бизда айб нима? Нега бизни қийнов-қистовга оласизлар? Бизга бу ишгинда. Бажаришимиз керак.

Шу ерда сифат инспектори иштирокида акт тузилди. Лекин экспедитор ва шоферлар бу актга қўл қўймасданоқ жўнаб қолган эдилар...

Гапнинг сирасини айтганда бу йил деҳқонларимиз, шунингдек, маккажўхорикорларимиз ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Колхоз ва совхозларда юз центнерчи маккажўхорикорлар ташаббуси авж олди. Маккажўхори дони топшириш қизитиб юборилди. Бу ҳар биримизни қувонтиради. Ҳар куни қабул пунктига маккажўхори дони ортган машиналар кетма-кет келиб турибди. Тошкент дон қабул қилиш корхонаси ходимлари бу мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Корхона кечасию-кундузи ишлаб турибди. Аксарият колхоз ва совхозлар маккажўхори донларини яхши қуритиб, сифатли маҳсулот келтираётганларини алоҳида қайд қилиш керак. Калинин районидаги «Қорасув», Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози маккажўхорикорларига балли! Улар топширган маккажўхори намлиги 11,4 процентни ташкил этди. Бунинг эвазига улар ҳисобига 7 процентдан қўшимча галла ёзилди. Калинин районидаги Калинин номли колхоз, Тошкент районидаги «Тошкент» совхозлари ҳам давлатга сифатли маккажўхори дони топширдилар.

— Лекин шоли орасидан курмак чиққанидек, сон орқасидан қувиб, сифатни унутиб қўяётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас, — дейди корхона директори Акбар Бекбоев. — улардан бири юқорида айтиб ўтилган «Ленинград» совхозидир Ана шу сингари хўжаликлар бизнинг ишимизни мушкуллаштириб қўймоқда. Аслидаку, бизга сўтаси билан эмас, тайёр донни топширишлари керак. Лекин, баъзилар ана шу енгилликдан, бу имкониятни суиистеъмол қилмоқдалар. Биз албатта, намлик проценти кўп бўлган маккажўхори донини қабул қилмаймиз. Намлик даражаси ортиқ бўлган маккажўхори дони бир ерга уйиб қўйилса икки-уч кун ичида қизиб, тутуни чиқиб яроқсиз ҳолга келиб қолади. Ҳайронман, нега бу оддий ҳақиқатни тушунишни истамайдилар. Шундайлар ҳисобига баъзида корхонамиз олдидаги машина карвонлари кўпайиб, тирбанд бўлиб қолмоқда. Улар «Қандай бўлмасин, топшириб кетишимиз керак» деб эртадан-кечгача туравердилар. Қизиқ, бундан кимга фойда-ю, қимга зиён. Бу ерда кун бўйи тургандан кўра шу вақт ичида бу сўталарни қуритиб, олиб келсалар яхши эмасми?

Бўстонлиқ ҳамда Паркентдаги филиалларимизда ҳам намлик даражаси юқори бўлган маккажўхорини топширишга уриниш бўлаётганлигини афсус билан қайд этмоқчимиз.

Директорнинг гапини лаборант Мамедов фактлар билан тасдиқлаб берди. 24 август. Калинин районидаги «Бўзсув» совхозидан келган 2250 килограмм дон ортилган машинани қайтариб юборилди. Шуниси ажабланарлики, бундай кўнгилсиз ҳоллар Тошкент районидаги колхоз ва совхозларда кўпроқ содир бўлмоқда. Карл Маркс номли колхознинг маккажўхори ортилган машиналари ўтган ҳафта ичида икки марта қайтариб юборилди. Бунга қандай баҳолаш керак? Давлат плани — қонун. Зиммага олинган мажбуриятни бажариш эса шарафли бурчимиз. Маккажўхоризорларда бу мажбуриятни бажаришни таъминлайдиган ҳосил тўпладик. Шундай экан сифатни унутмаслик керак. Давлат омборларига фақат юқори сифатли маккажўхори дони топширишимиз лозим. Эл-юрт манфаати ана шуни тақозо этади.

Ғ. ВАЛИЕВ,
Область қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспектори.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ПУНКТ МУДИРИ:— Маккажўхорингиз сўталари жиққа ҳўл-ку, қабул қилолмайман.
РАИС:— Бекор гап. Қабул қиласиз, бўлмаса ўзингиз жавоб берасиз.
Н. Иброҳимов чизган расм.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

РЕВОЛЮЦИОН ҲОКИМИЯТ ЮБИЛЕЙИ

ВЬЕНТЬЯН, 26 август. (ТАСС). Лаос Халқ Демократик республикасида собиқ Вьентьян зонасида халқ революцион ҳокимияти ўрнатилган куннинг биринчи йиллигига тантанали йиғилишлар ва оммавий митинглар билан нишонланди. Лаос Халқ Революцион партияси раҳбарлигидаги халқ бундан бир йил муқаддам реакцион амалдорларни ва ҳарбийларни уларнинг сўнгги таянчи Вьентьян ва Луангпрабангдан ҳайдаб чиқарди. Бунинг натижасида бутун Лаосдаги ҳокимият революцион халқ қўлига ўтди.

Пойтахт вилояти халқ революцион комитетининг Ранси Минг Сомвичит Вьентьянда ўтказилган ва бир неча минг киши қатнашган митингда нутқ сўзлаб, қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: бу кун халқ демократик революцияси тарихида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг боиси шуки, бу кун умуман мамлакат тараққиётидаги янги босқичга ўтилганлигидан далолат берди.

Митингда сўзга чиққан бошқа кишилар Лаос халқи бу ғалабани қўпайтириб, революциянинг узил-кесил ғалаба қозониши йўлидаги ғоришни давом эттирганлиги, мамлакатда умумий сайловни ўтказиш, халқ вакиллари миллий конгрессини чақириш учун шарт-шароит яратиб берганлиги ҳақида гапирдилар. Бунинг натижасида ўтган йил 2 декабрда Лаос Халқ Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Бу республиканинг вужудга келтирилиши янги тарихий босқичга—социализмга йўл очиб берди.

У КАШТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ОТТАВА, 26 август. (ТАСС). Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари Уильям Каштан «Канадиан трибюн» газетасида босилган суҳбатида бундай деди: «Ҳукумат иш ҳақи устидан назорат ўрнатган эди. Канада ишчилар конгрессининг 14 октябрни ҳукуматнинг ана шу тадбирига қарши миллий норозилик куни, деб эълон қилиш ҳақидаги қарорини тарихий қарор деб аташ мумкин». Канада меҳнаткашлари шу куни бир кунлик ялпи забастовка ўтказадилар. «Касаба союзларининг қарори, — деб таъкидлади У. Каштан,— Канадада касаба союз ҳаракати ўз имкониятларини яхши билиб олган етук, кучли ва маҳкам бирлашган ҳаракатга айланганлигини исбот этади».

Бу қарор, деб уқтириб ўтди У. Каштан, аниқ ифодаланган сиёсий характерга эгадир. Бунинг боиси шуки, бу норозилик корхона эгаларининг бирига ёки бир нечасига қарши эмас, балки ҳукуматга қарши қаратилган. Ҳукумат иш ҳақини ўз назоратига олиш билан Канададаги монополияларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

ДЕМОКРАТИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШИОРЛАРИ ОСТИДА

БОННГ, 26 август. (ТАСС). Немис ва халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Германия Компартияси правлениеси президиумининг аъзоси Курт Бахман қуйидагиларни айтди: Германия Федератив Республикасининг конституцион суди бундан 20 йил муқаддам Германия Компартиясини тақиқлаш тўғрисида қабул қилган қарор ва ҳозирги «касб бўйича ишлашни тақиқлаш» тўғрисидаги қарор — ГФРда демократия ва тараққиёт кучларининг ўсишига ҳалақит бериш учун уринаётган реакция ҳаттиҳаракатлари занжирининг бир халқасидир.

Курт Бахман Мюнхенда ўтказилган митингда нутқ сўзлади. Бу митинг «Демократияни ҳимоя қилиш, Германия Компартиясини тақиқлашни бекор қилиш учун», «Касб бўйича ишлашни тақиқлаш»ни бекор қилиш учун кураш» шиори остида ўтди.

К. Бахман яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: реакциянинг ҳатти-ҳаракатлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш якунловчи актининг мазмунига тамомила зид келди.

К. Бахман Германия Коммунистик партиясини тақиқлашни бекор қилиш ва ўзларининг прогрессив эътиқодлари билан ном чиқарган шахсларни сиёсий жиҳатдан камситишни тўхтатиш учун курашда коммунистлар, социал-демократлар ва партиясизларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари муҳим эканлигини таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛИМА, 26 август. (ТАСС). Перу президенти Франсиско Моралес Бермудес Перу халқига мурожаат қилиб, ҳозирги вақтда мамлакат бошидан кечираётган қийинчиликларни бартараф этиш учун бор куч-ғайратни сарфлашга даъват этди.

Давлат бошлиғи Арекипа шаҳрида нутқ сўзлаб, мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун аввало мамлакат аҳолисининг барча табақалари биргаликда ҳаракат қилиши зарурлигини таъкидлаб ўтди. Перуни ривожлантиришдан кузатилган мақсад озчиликнинг имтиёзлари, халқ оммасининг қарам бўлиши, қолоқлиги ва қашшоқлиги абадий тугатиладиган жамият қуришдан иборат деди.—Ф. Моралес Бермудес. Ана шу жараён давомида миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб бориладиган кураш давом эттирилади.

Президент пировардида қуролли кучлар ҳукумати миллий суверенитетни мустаҳкамлаш йўлидан боражагини айтди.

БОСҚИНЧИЛАР ПИНАГИНИ БУЗИШМАЯПТИ

УГАНДА, 26 август. (ТАСС). Жанубий Африка Республикасининг қуролли кучлари Намибия территориясида қолаверишади, деди Виндхукда республика мудофаа министри П. Бота. Иркчи министр «Жануби-Ғарбий Африка раҳбарлари территориянинг тинчлик шароитларидаги сиёсий келажаги тўғрисида музокаралар олиб боришни истаётганларини» бунга важ қилиб келтирди. Ботанинг айтганларидан кўринишича, режим Намибия халқининг ўз ватани озодлиги учун курашини бундан-буён ҳам раҳмсизларча бостириб туриш ниятидадир.

АҚШнинг Нью-Йорк, Бостон каби йирик шаҳарларида Чилининг ҳарбий фашистик хунтасига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Луис Корвалан ва бошқа сиёсий маҳбуслариинг озод этилишини талаб қилмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ. А. Абалян фотоэтюди.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҚИШЛОҒИМ

Қўшиқ куйлай қишлоғим,
Она юртим боғидан.
Қойил этган жаҳонни
Оппоқ олтин тоғидан.
Қўли гул, шўх қизлари,
Ўхшар нури жаҳонга.
Қуёш мисол юзлари,
Дилин солар тугёнга.
Йигитлари паҳлавон,
Кексалари миришкор.
Неъматлари бир жаҳон,
Унга ошиқ навбаҳор.
Шулар меҳри ҳар гулда,
Қнёсн йўқ гулистон.
Шулар куйи булбулда,
Саҳарларда ғазалхон.
Шулар меҳри шилдириб,
Оққан сувлар мавжида.
Шулар меҳру, азмидан
Водий кўрки авжида.
Юлдузлардай ярқираб
Жилмаяди чаноқлар.
Карталарга шод қараб
Нурдан яшнар яноқлар.
Ҳар юракда бир армон,
Кўз ўнгида чаманзор,
Кўтармоққа чўғ хирмон,
Элга берган аҳди бор.
Қишлоғимнинг мардлари
Эзгулиқли айлар ёд,
Униб-ўсган ерлари
Яшнаб, бўлмоқда обод.
Шаҳар каби кўркамдир,
Менинг яшил қишлоғим.
Бағри мангу кўкламдир,
Бахтим қулган гулбоғим.
Қўшиқ куйлай дўстларим,
Она юртим меҳридан.
Қойил этган жаҳонни
Унинг гулшан еридан.

НАЗАРМАТ.

САФАРБАРМИЗ

Қароғларда янгича оташ,
Чақнар янги умиду тилак.
Ёғду сочиб офтобга
ўхшаш, —
Ловуллайди чўлганган
юрак.
Бахт узра бахт қучар
ҳар нафас,
Ҳар бир дилда зафар
нашъаси.
Кунлар ўтар қутлуғ,
муқаддас,
Жўшар толъе, қувонч
чашмаси.
Қаршимизда лолдир
табиат,
Коинот ҳам сиғинар бизга.
Фан, илмимиз юксалиб
шиддат,
Қудрат қўшмиш
Ватанимизга.
Ҳар дақиқа дилримизда
Қанча, қанча янги
мўъжиза.
Байрам кезар
сайёрамизда, —
Шон улғайиб лаҳзамалаҳза.
Тағин янги сафар, мисли
йўқ,
Янги орзу жамоли учун.
Қайнайверсин курашу
ютуқ
Сафарбармиз, сафарбар
бутун.
Саодатдан тўлган
умримиз—
Таронаси юлдузга етсин.
Қуёш янглиғ ишқу
меҳримиз
Буткул иқлим қалбин
забт этсин.
Қароғларда сўнмас
қўшоташ,
Чақнар янги умиду тилак.
Ёғду сочиб офтобга
ўхшаш,—
Ловуллайди чўлганган
юрак.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ПУЛГА ТУЗОҚ, САНЪАТГА ДОҒ

Каримжон ота ёлғиз ўғлининг бошини иккита қиламан деб не-не умидлар билан тўй бошлади. Тўйнинг бутун оғирлигини, ташвиши ҳам бир бўлди-ю, санъаткорларни топиш ҳам бир бўлди. Икки ойдан ортиқ тўй бюросига беҳуда қатнаб, охири хафсаласи пир бўлган Каримжон ота маҳалладоши Муслим ота маслаҳати билан «ҳаваскор артистлар»га бўйин эгишга мажбур бўлди.

— Тўйингизни мана биз қойил мақом қилиб ўтказиб берамиз, отахон, мен сизга айтсам даврага жон киритворадиганларданмиз. Мақтамайман-у бсрганда кўрасиз,—эўр бериб нархини оширишга ҳаракат қиларди группа раҳбари.

— Қанча бераман?

— Хўш, ўзимиз тўрт кишимиз, иккита «хурилиқо пари»миз ҳам бор. Уларни ўйнатиб қўйганда кўрасиз. Энди ўзингиздан қоладиган гап йўқ. Олти киши бўлиб борамиз. Сиз «беш» бола берақолинг.

— 500 сўм демоқчимисиз?

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийдида.

— Жуда қиммат-ку, 300 сўм берақолай.

— Массивдагилар участка қуришиб анча қийналишиб қолишган, тушумнинг мазаси йўқ отахон, бир-икки бориб билганмиз.

Каримжон ота узоқ тортишувдан кейин 400 сўмга келишиб заклад бериб қайтди.

...Тўй тобора қизиб борарди. Том тепасига ўрнатилган карнайдан баралла таралаётган «Воҳай бола» етти маҳаллага эшитиларди. Бирин-кетин бўшатилган шишалар оёқ остида юмалар, ширакайф меҳмонлар ўртада турли мақомга йўрғалаётган ўйинчига маҳлиё бўлиб, ноўрин ҳатти-ҳаракат қилишарди. Маҳалла активларининг билдирган эътирозларига Каримжон ота қўлини кўксига қўйиб ялиниб ёлворарди:

— Барака топқурлар, қариганда битта-ю-битта кўрган фарзандим, шунинг тўйини тўйдек ўтказай, — дея илтижо қиларди.

Тўй тунги иккиларгача давом этди. Меҳмонлар бирин-кетин тарқала бошладилар. Стол устидаги ғаланларда пиширилган гўштлар, косаларда «ном чиқар» учун тортилган қўлбола лағмонлар, пиёла ва стаканлардаги бир-бирига аралаштирилган ароқ ва винолар, бетартиб ётипти.

Эрта билан «келин салом» бошланди. Куда бува уйқусиз қизарган кўзларини аранг очар экан, уйга кириб катта бир гиламни аранг кўтариб чиқди, уни келининг оёғи остига ташлар экан мағрурона дуо қилди.

Келин қудалар ҳам тўйдан мамнун бўлиб қайтишди...

Биз яқинда пойтахтнинг Октябрь районидаги маҳаллалардан бирида бўлиб ўтган бир тўй ҳақида ҳикоя қилдик. Каримжон ота якка фарзандини бахтли қиламан деб қанчадан бери не-не машаққатлар билан йиғган бор бурдини тўйга сарф қилди. Яна бунинг устига иккй минг сўмга яқин қарздор ҳам бўлиб қолди. Тўйдан кейин бундай ўйлаб қараса, ноўрин иш тутган экан. Бироқ энди фойдаси йўқ. «Кейинги пушаймон ўзингга душман» деб шуни айтсалар керак. Каримжон ота «орзу ҳавас қилган» бугун эса ўзи ўксинаётган бундай «ном чиқар» тўйларга қарши жамоатчилик норозилик билдирмоқда. Бу ҳақда «Замонамиздек гўзал бўлсин» мавзусида ўтказилаётган мунозарада кўп яхши фикрлар билдирилмоқда, тўйларимизни янгича, исрофгарчиликсиз ўтказиш ҳақида қимматли таклифлар ўртага ташланмоқда.

Октябрь район ижроия комитети, маҳалла комитетлари, ЖЭК бошлиқлари, актив жамоатчилар қўмагида тўйларга янгича рух бахш этишга, ичкиликсиз, исрофгарчиликсиз ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда маҳалла комитетлари раислари, участка инспекторлари иштирокида тўйларимизни замонавий ўтказиш мавзусида йиғилиш бўлди. Бунда район ижроия комитети раиси Ғ. Абдурасулов, район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковники Р. Йўлдошев, район халқ маорифи бўлими мудири А. Сайдахмедов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишиб янгича анъаналарни изчиллик билан амалга ошириш, тўйларни мазмунли ва исрофгарчиликсиз ўтказиш, саёқ санъаткорлар ва «отарчи»ларга қарши кескин курашиш ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Кейинги кезларда райондаги Уйғур, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев номли, «Зарафшон», «Янгиобод» маҳаллаларида, 6, 7, 29-ЖЭКларида, 13, 14, 15-турар-жой массивларида бўлаётган тўйлар тартибли ўтмоқда. Бунда активлар бош-қош бўлишмоқда. Тўйбошилар ўйлаб режали иш тутишаётганлиги сабабли ортиқча ҳаражатларга, исрофгарчиликка йўл қўйилмаётир.

Лекин ҳали ҳам Каримжон отага ўхшаб «ном чиқарга» тўй қилмоқчи бўлаётганлар учраб туради. Ана шунга ўхшаганлар «саёқ созандалар»га йўл очиб беришмоқда. Бўлмағур мақомлари, турли ҳаракатлари билан, «Қарғалар»ни такрорлайбериб «Воҳай бола»га шох ташлайдиган «санъаткорлар» тўйимизга файз киритиш учун эмас, балки ҳамённи шилиш учун келишларини унутмаслик керак. Бундай «санъаткор» никоби остида юрган «отарчи»ларга яна тўйимизнинг тўрини бериб қўйганимиз нимаси?! Устига-устак булар микрофонсиз кўшиқ айтишмаганига куясизми! Маза-бемаза кўшиқлари тунда қанчадан-қанча одамларнинг ҳузур-ҳаловатини бузиши билан уларнинг сариқ чақалик ишлари йўқ.

Пулга тузоқ қўйган, санъатга эса доғ тушираётган бундай «отарчи»лар билан танишиб қўйинг: Ҳеч қаерда ишламай, тўйма-тўй юриб бойлик орттираётган Доно Муҳаммаджонова. Унинг репертуаридаги рақслар шунчалик бехаёки, фақат пул қистириш учун аталган мукомлар... У яна Тошкент халқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимида студент эмиш! Мамур Норбоев, Азим Хўжаев, Ғиёс Шопайзиев, Саидаброл Усмоновлар Ҳадрадаги «макон»ларида «бор-барака» қилиб туришганда қўлга тушишди. Музика асбоблари мусодара қилинди. Узбекистон давлат филармониясида созанда бўлиб ишлаётган Азим Хўжаев ўзининг бу қилмишини қандай оқлар экан? Санъаткор деган улуғ номга доғ туширган Раҳмонали Эшматов ўқитувчиликдан кўра «отарчилик»ни эп кўрипти! Чилонзор районидаги 138-мактаб коллективи қандай қилиб ёшлар тарбиясини бундай «кустоз»га топириб қўйишди экан, ахир. Р. Эшматов мактабда санъатга ишқи тушган, истеъдоди бор ёшларни йўлдан уриб ўзига эргаштирмасин яна.

Ёши элликдан ошса ҳам улама сочи, упа элик билан «ёш» кўринадиган Муборакхон Омоновадан эҳтиёт бўлинг, лапарда-ю, рақсда, пулга муқом қилишда унинг олдига тушадигани йўқ. Фарғоналик Солихон Маметов билан қашқадарёлик Байрам Омонқуловларнинг Тошкентдаги «гастроллари» ҳам кўнгилсиз тугади.

Санъаткор никоби остида юрган, аслида бойлик, мўмай даромад кетидан қувган бундай «отарчилар»га тўйимизда ўрин бўлмаслиги керак. Бунда энг аввало неча ойлаб пешона тери тўкиб топган ҳалол пулини икки қўллаб тутқазадиган Каримжон отага ўхшаганларни тартибга чақирайлик.

Шу ўринда Узбекистон давлат филармонияси ҳузурида тузилган Тўй бюроси иши ҳақида икки оғиз сўз. Бюро тузилиб яхши, ҳайрли иш қилинди. Лекин унинг бугунги иши, меҳнаткашларга кўрсатаётган хизмати сира ҳам талабга жавоб бермайди. Тўй бюроси ишини тубдан қайта кўриб чиқиш ва уни янада жонлантириш вақти келиб етди. Ана шунда аҳолига хизматни яхшилаган, тўйларимиз режали, замонавий кўшиқлар тараннумида ўтган, «отарчилар гастролларига чек қўйган бўламиз.

А. ҚУРБОНОВ,
Октябрь район ички ишлар бўлими профилактика хизмати бўлимининг бошлиғи, милиция капитани.
Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

Суратларда: Санъатимизга доғ тушираётган «отарчилар» ва мусодара қилинган радио карнайлари ҳамда музика асбоблари.

Реклама ва эълонлар

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1976 йилга
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ноорганик химия, машинашунослик ва машина деталлари, гидравлика ва гидрология инженерлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари эксплуатацияси ва ремонти, қурилишларнинг асослари, пойдеворлари ва ер ости иншоотлари, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологияси ва уни ташкил қилиш, деҳқончилик мелиорацияси ва суғориладиган ерлар деҳқончилиги, тупроқшунослик, қишлоқ хўжалиги экономикаси, бошқаришни ташкил қилиш ва планлаштириш.

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, КПСС тарихи, ва чет тилларидан бири бўйича олий ўқув юртларининг ўқиш программаси бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

Аспирантурага кириш учун ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нусхаси зачёт варақасидан кўчирма ҳолида нотариус тасдиғи, кейинги иш жойидан характеристика, автобиография, кадрлар бўйича шахсий варақаси 2 та (6х9) ва 3 та (3х4 см.ли) фото суратлари билан, эълон қилинган илмий ишлари, ихтиёрчилик тўғрисида ҳужжатлари, тажриба-конструкторлик ишлари ва уларга берилган баҳолар, амалий иш стажи тўғрисида ҳужжат, иш жойидан тасдиқлаб берилган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 286-формаси бўйича аспирантурага тайёргарлик кўриши мумкинлиги кўрсатилган саломатлиги ҳақидаги справка.

Эълон қилинган ишлари бўлмаган кишилар ўз ихтисосликлари бўйича танлонган тема юзасидан рефератлар (докладлар) топширадилар.

Кириш имтиҳонларига қўйилган кишиларга имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва уларни топшириш учун иш жойидан меҳнат ҳақи сақланган ҳолда 30 календарь кун отпуска берилади. Иш жойидан олий ўқув юртига етиб бориш ва қайтиб келиш учун пул тўланмаган ҳолда отпускага қўшимча кунлар қўшиб берилади.

Ҳужжатлар 1 сентябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 15 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади: Тошкент шаҳри, Қориниёзов кўчаси, 39-уй, телефон 33-58-61, қўшимча 4-75

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
86-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—77 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МЕТАЛЛ БУЙИЧА ТОКАРЬ. Ўқиш муддати — 1—2 йил (14—15 ёшдилар);

ИИҒУВЧИ-СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 1 йил (15 ёшдан);

САНОАТ АСБОБ УСКУНАЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати — 1—2 йил, (15 ярим ёш ва ундан юқори).

СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ. Ўқиш муддати — 2 йил (14 ярим ёшдан ва ундан юқори);

ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ярим ёшдан ва ундан юқори);

ДИПЛОМЛИ ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати — 2 йил (16 ярим ёшдан ва ундан юқори);

ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 2 йил (16 ярим ёшдан ва ундан юқори).

ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати бир йил (17 ярим ва ундан катта ёшдагилар, кўпроқ қизлар); стипендия берилади.

ИССИҚ ЦЕХЛАР САНОАТ АСБОБ УСКУНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати — 1 йил (17 ярим ёшдан ва ундан юқори); Стипендия тўланади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар — уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош, ётоқхона билан таъмин этиладилар, Ўқувчилар билим юрти ҳузуридаги мактабда шуғулланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИДА БУШ ВАҚТЛАРДА ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН ҲАММА ШАРТ-ШАРОИТЛАР МАВЖУД. 8 тўгарак ва 11 спорт секцияси ишлаб турибди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбль мавжуд. Каникул даврида дам олиш учун ЧИМЕН районида лагерь мавжуд.

Билим юртини битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

АРИЗАЛАР — СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан, ота-онаси биронтасининг иш жойидан справкалар, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент—52, Содиқов кўчаси, 15-уй (4, 5-троллейбуслар, 21-автобуснинг «Экскаватор заводи» бекати).

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
87-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—1977 ўқув йилига
Қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь, фрезерчи — ўқиш муддати 1—2 йил, формовкачи (ойига 54 сўм миқдорида стипендия тўланади), слесарь-йиғувчи, дурадгор —ўқиш муддати бир йил. Саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, программалаштирилган станокларнинг операторлиги — ўқиш муддати 2 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарлардан келганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан тугатганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ва олий ўқув юртларига юборилади.



ЎҚИШЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида ёки паспорти, маълумоти ҳақида; мактабдан характеристика, справкалар; ота-онасининг иш жойидан ва саломатлиги ҳақида, 6 та фотосурат (3х4 см. ли).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри-100, Текстильная кўчаси, 7, 9, 11, 14, 21, 24 трамвайлар, 2, 3, 18, 45, 54, 50, 58 автобуслар, 2, 6, 13, 15, 16 троллейбусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати. Телефонлар: 53-95-26, 53-95-21.

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Бургутчалар парвозга шайланмоқдалар. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.30 — Скиф қўрғонларининг хазиналари. 13.00 —Музикали календарь. 13.25 — Телеочерк. 13.55 —И. Франко поэзияси. 14.25 — Фильм-балет. 14.55 — Янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган кўрсатув. 15.25 — Концерт. 15.50 — Киножурнал. 16.00 — **Топиб йўқ қилиш** (бадиий фильм). 16.50 — Инсон, Ер, Коинот. 17.20 — Концерт. 17.50 — «Спортлото» тиражи. 18.00 — «Здоровье». 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳайвонот оламида. 20.25 — **Тонгги поезд** (бадиий фильм). 22.00 — «Вақт». 22.30 — Панорама.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Шеърият мухлисларига. 11.20 — Концерт. 11.40 — Бўри ва етти эчки боласи (спектакль). 12.10 — **Менинг ўрнимга от!** (бадиий фильм). 13.20 — «Замондас». 14.10 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Бадиий фильм. 18.40 — «Советский воин». 19.15 — Ота-оналар университети. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — «Ўзбек адабиётининг классиклари»: Муҳаммаднёз Комил. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 21.50 — Техника шайлигини текширамиз. 22.10 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 23.00 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.20 — Душанба кўрсатувлари.

29 август, якшанба

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Ранг-баранг қўшиқлар. 12.45 — Адабий ўқиш. 13.05 — Музикали киоск. 13.35 — Қишлоқ янгиликлари. 14.35 — **Еттинчи осмон** (бадиий фильм). 16.10 — Бугун — шахтёрлар куни. 16.40 — Музикали программа. 18.05 — Янги ўқув йили бошланишига бағишланган кўрсатув. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Халқаро панорама. 20.10 — **Бимбобелло печеньеси** (бадиий фильм). 21.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 22.00 — «Вақт». 22.30 — Музикали абонемент. 23.10 — Фильм-концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 10.50 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 11.30 — Педиатр суҳбати. 11.45 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 12.35 — **Футболдан оғиз очманг** (бадиий фильм). 13.45 — Киноэкран янгиликлари. 18.05 — Юлдузча. 18.45 — Йнгра, барабан! 19.15 — Чет эллик меҳмонлар Узбекистон ҳақида. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **Футбол:** «ПОМИР» (Душанба) — «ПАХТАКОР» (Тошкент). Иккинчи тайм. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Бугун — шахтёрлар куни. 22.10 — Нукус: бугун ва эртага. 22.30 — **Телеминиатюралар.** 23.10 — Телефильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28|VIII да **Келинлар кўзғолони**, 29|VIII да **Антигона.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Латвия ССР цирк артистларининг хайрлашув гастроллари, «Уссури йўлбарслари» аттракциони** (15.00, 19.30).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Табор кўкка интилади — «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Катта пойга — САНЪАТ САРОЙИ (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Тоннель охиридаги нур; Жаннат калити: — «ЯНГИОБОД» (11, 14, 17, 20).

ЁЗГИ БИНОДА

Табор кўкка интилади — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50).

Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

«А» класси олий лига командалари ўртасида мамлакат кузги чемпионатининг навбатдаги учрашувлари бўлди. Шунисн қизиқарлиги, ўтган куни ўтказилган тўрт матчнинг учтасида бир хил натижа — 1:0 ҳисоби қайд этилди.

Уччала матчда ҳам майдон эгаларининг қўли баланд келди. Ленинградликлар Москва темирйўлчилари, «Заря» «Арарат» футболчилари, Тбилиси динамочилари эса «Днепр» устидан ғалаба қозондилар. «Крылья Советов» — «Шахтёр» учрашувида ҳисоб очилмади.

Кеча Одесса денгизчилари «Карпат»ни, Минск динамочилари пойтахт автозаводчиларини қабул қилдилар. Москва армиячилари ва динамочилари ўртасидаги учрашув кечиктирилди.

Биринчи лига командалари ўртасидаги мамлакат чемпионатининг иккинчи турида кечиктирилган «Қайрат» — «Шинник» учрашуви бўлиб ўтди. Бунда майдон эгалари — Қозоғистон футболчилари 3:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Иккинчи лига коллективлари ўртасидаги СССР биринчилигида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Химик» — «Горняк» — 4:1, «Олга» — «Шахтёр» — 1:0, «Амударё» — «Нефтянник» — 2:5, «Хоразм» — «Пахтачи» — 3:0, «Иригатор» — «Динамо» — 2:1, «Трактор» — «Актюбинец» — 2:0, «Спартак» — «Металлург» — 2:1, «Восток» — «Орбита» — 1:1.

ПЕШҚАДАМ БИЛАН ИЗМА-ИЗ

Республика комсомол зарбдор қурилишларининг IV спартакиадасида областимиз вакиллари — Чорвоқ гидроэлектростанцияси бунёдкорлари 74 очко тўплаб, умумий ҳисобда пешқадам билан изма-из боришмоқда. Биринчи ўринда — «Қаршистрой» вакиллари. Улар 81 очкога эга.

Яқинда Наманганда спартакиаданинг бухороча ва фарғонача кураш мусобақалари бўлиб ўтди. Кескин беллашувларда Катта Наманган каналини бунёд қилаётган полвонларга тенг келадиганлар топилмади. Улар 43 очко тўпладилар. Кейин иккн соврнли ўринни «Тахиаташгидрострой» ва «Чарвакгэсстрой» вакиллари эгаллашди.

ОБЛАСТЬ БИРИНЧИЛИГИ

Тўйтепадаги «Юбилей» стадиони яқинда картинг бўйича ўтказилган қизиқарли мусобақаларнинг маркази бўлди. Бу ерда ёшлар ва катталар кичик автомобилларда область биринчилиги учун ўзаро беллашдилар.

Команда ҳисобида Янгийўл ДОСААФ автомактаби командаси жуда яхши қатнашди. Янгийўлликлар ўзларининг асосий рақиблари — иккинчи ва учинчи ўринларни олган Ангрен ва Чирчиқ автомактаблари вакилларини анча ортда қолдириб кетдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР
коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.
Р—13320. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. Б—2634. XII